

АУТИЗМ БОЛАГА ПСИХОЛОГИК ЁРДАМ КҮРСАТИШ

Жуманиёзова Насиба Раматиллаевна

Урганч давлат университети таянч докторанти

nasibajumaniyozova80@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7523905>

Бутун дунё аутизм синдромли болаларни жамиятга интеграция қилиш улар билан олиб бориладиган психологик-педагогик ишларни тизимли ташкиллаштириш, коррекцион дастурларни ишлаб чиқиш ва ўзига хос моделни яратиш устида иш олиб бормоқда. Аутизм болаларни жисмоний ва психологик ривожланиши жуда муҳим масаладир. Уларни тарбиялаш, ўқитиш, ижтимоий мослаштириш, ўзаро шахслараро муносабатларини шакллантириш учун мавжуд бўлган ёндашувларга таяниб, улар асосида тузилган маҳсус дастурларни такомиллаштириш бу мақсадларни самарадорлигини оширишга хизмат қиласди.

Б.Хермилин британиялик экспериментал психолог бўлиб, биринчи марта аутизм болалар ва ақлий ривожланишида нуқсони бўлган болалар бўйича илмий изланишлар олиб борган. Жумладан Н.Коннор билан биргаликда болалик аутизми, кўриш, эшитишида нуқсони бўлган болаларнинг сенсорли нуқсонлари, когнитив қобилиятлари бўйича тадқиқотлар ўтказган. Б.Хермилин аутистик спектрида бузилиши бўлган болаларда одатда ижтимоий ва шахслараро муносабатлар бузилишини таъкидлаган. Бундан ташқари аутизм болалар кўпинча камхаракатдек кўринади, атрофидаги нарсалардан кам фойдаланишга мойил бўлишади. Эрта болалик аутизми дизонтогенезда ривожланишнинг бузилишидир. Бунда индивидуал психик функцияларнинг кечикиши, ақлий ривожланишнинг мураккаб комбинацияси, фикрлаш жараёнини бузилиши, хаёл ва орзулар оламига кетиши билан намоён бўлади. [2]

МКБ-10 га кўра аутизм уч ёшдан олдин бошланадиган ғайритабиий хатти-харакатлар ва ривожланишдаги бузилишлар, ижтимоий ўзаро таъсир, мулоқатнинг чекланганлиги, тақрорланадиган харакатларнинг мавжудлигини тавсифлайди. Клиник жиҳатдан эътиборни камлиги, идрок қилишнинг сустлиги, жараённи баҳолаш, ижтимоий таъсир ва лингвистик бузилишлар, ривожланишдаги бузилишлар, офишишнинг мавжудлиги билан ажратилади.[3] Эрта болалик аутизмининг клиник кўринишларини қўйидагича таснифлаш мумкин.

-Бошқалар билан алоқага бўлган эҳтиёжнинг тўлиқ йўқлиги;

-Ташқи дунёга беэътибор бўлиш яъни ўзини изоляция қилиш;

-Яқинларига, хатто ўз онасига нисбатан ҳиссий реакциянинг заифлиги ёки ўз онасига нисбатан тўлиқ бефарқлик;

-Улардаги енгил огоҳлантиришларга ўта сезгириликнинг қучлилиги (сув томчиси, соатнинг чиққиллаши, майший техниканинг шовқини) кабилар;

--Жонсиз нарсалар ва одамларни ажрата олмаслик, тажавузкорлик;

-Улар бир хилликни ёқтиришади, атрофидаги нарсаларнинг ўзгаришидан жазавага тушиш;

-Неофобия-хамма нарсадан қўрқиш (янги кийим, ўринни ўзгаришига тоқат қила олмайди);

-Стереотипик харакатларга мойил бўлган монотон хатти-харакатлар (бош ва қўлни чайқатиш);

-Нутқ бузилишлари (нутқнинг тўлиқ йўқолиши ёки бир сўзни мунтазам такрорлаш);

-Кўзларни суҳбатдошига қаратмаслик;

Болалик аутизми билан оғриган болага ва унинг оиласига самарали психологияк ёрдам моделини ишлаб чиқиш ва шу орқали болани муваффақиятли таълим олишга ва ижтимоий мослашишга эришларини таъминлаш мумкин.

Янги таҳрирдаги “Таълим тўғрисидаги” Конуннинг 20-моддасига асосан имконияти чекланган болаларга бериладиган барча ҳукуқлардан аутизм болаларнинг фойдаланишларига шароит яратиш, бу соҳадаги мутахассисларни етарлича таъминлаш, ота-оналарнинг билимини ошириш ушбу масалаларни ечишга кўмаклашади. Бунинг учун комплекс тарзда ишларни ташкил қилиш, шахс-оила-жамият-махалланинг ўзаро хамкорлигини таъминлаш муҳимдир. Ижтимоий-психологик ва педагогик реабилитация ишлари, ота-оналар учун тизимли дастурларни мавжудлиги болани мактаб таълимига мослаштириш кўникмасини шакллантиради.

В.В.Лебеденский, О.Е.Николской, Л.С.Виготский ва бошқа олимларнинг тадқиқотларида психоаналик, хулқ-атвор, когнитив ёндошувлар мавжуд бўлиб, ушбу ёндашувларга асосан аутизм болалар ва уларнинг ота-оналари учун тавсиялар ишлаб чиқиб амалиётга жорий қилиш муҳимдир.[1]

Буни амалга ошириш, болалик аутизми муаммосини ҳал қилиш, ижтимоий-психологик қўллаб-қувватлаш учун вазифаларни аниқлаштириб олиш муҳимдир.

-Эрта болалик аутизми тушунчасини ўрганиш;

-Эрта болалик аутизми бор бўлган болалар билан психологоик коррекцион ишларнинг мавжуд усулларидан фойдаланишини кўриб чиқиш;

- Эрта болалик аутизми мавжуд болаларни тарбиялаётган оилаларга психологоик ёрдам кўрсатиш йўлларини кўриб чиқиш;

Бизга маълумки аутизм синдромли болалар билан олиб бориладиган ишлар ва уларнинг оилаларига кўрсатилаётган ёрдам бериш усуллари асосан тиббий психология, психотерапия, дефектология томонидан амалга оширилган. Бундай оилаларга профессионал психологик ёрдам бериш бўйича олиб борилаётган ишларнинг камлиги ва етарли эмаслигини кўришимиз мумкин.[4]

Аутизм синдромли боланинг ота-онаси билан ишлаш жуда муҳимдир. Сабаби бундай оила кўпинча яқин танишларинг ва мутахассисларнинг ёрдамига муҳтождирлар. Атрофдаги инсонлар боланинг хатти – харакатларида ота-онани айбдор қилишади, ота-оналар эса ўзларида аутизм касаллиги бўйича маълумотларнинг етарли эмаслиги боис буни тушунтиришга қийналишади. Боласининг ноодатий харакатларидан уялишади ва жаҳли чиқади. Боланинг инжиқликлари, тажовузкорлиги, носоғлом қилиқлари, транспортда, кўчада, дўкондаги харакатлари ота-оналарни ноқулай ахволга солиб қўяди. Т.Н.Высотина, О.Гусаева, А.Я.Варгалар томонидан ота-она ва бола муносабатларига бағишлиланган тадқиқотлар ўтказилган. Унга кўра оилада аутизм болани тарбиялаш фақат онанинг зиммасида бўлмасдан балки, оиланинг бошқа аъзолари, жумладан ота, буви, бува, оиласи соғлом болаларнинг ҳам ёрдамларига эҳтиёж сезилади. Бундай муносабатлар оптималь соғлом муҳитни яратиш учун жуда муҳимдир. Оилада соғлом психологоик муҳитнинг бўлиши, стрессларга бардошлиликни келтириб чиқаради. Бундай ижобий муносабатлар эса ота-оналар ўртасидаги тушунмовчиликни камайтиришга, бола билан муносабатларни тўғри ташкил қилишга, “ижтимоий умидлар модели”ни яратишга, боланинг таълим олиши учун шароит яратишга, ота-оналар томонидан болани қабул қилиш позициясини шакллантиришга ёрдам беради.[5]

Хулоса сифатида шуни айтиш лозимки, оиланинг аутизм болага мослашиши ва уни жамиятга интеграция қилишга ёрдамлашиш, ушбу муаммога оила аъзоларинг барчасини жалб қилишга эришишда психотерапия усулларидан фойдаланиш, ота-оналарнинг боланинг руҳий холатини тўғри қабул қилишлари учун билимга эга бўлишлари, уйда болани ўқитиш учун индивидуал дастурнинг мавжудлиги мухим бўлиб

бунинг учун ота-оналарни маҳсус тарбиялаш дастури орқали ўқитиш мухимдир. Чунки аутизм бола ҳам барча болалар каби ўзининг имкониятларидан фойдалана олишлари, интелектуал жиҳатдан ривожланиши, психологияк, жисмоний барқарорликка эришишга ҳақлидир.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Лебединский В.В. Нарушения психического развития у детей: Учебное пособие [Текст] / В.В.Лебединский. – М: МГУ, 1985. – 180 с.
2. Никольская О. С. Аутичный ребенок. Пути помощи [Текст] / О.С.Никольская, Е.Р.Баенская, М.М.Либлинг. М., Теревинф, 2007. – 143 с.
3. МКБ-10 [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.forens-med.ru/mkb.php?pid=4429>
- 4.Ткачева В.В. Гармонизация внутри семейных отношений: Мама, папа, я – дружная семья. Прак-м по формир. внутриадекватных отношений [Текст] / В.В.Ткачева . - М.; Издательство Гном и Д, 2000. – с. 7.
5. Клементьев Н.К Психологическая помощь семье, воспитывающей ребенка с аутизмом [Электронный ресурс] / Н.К.Клементьев. – Режим доступа:
http://www.orcpnz.ru/index.php?option=com_k2&view=item&id=37:%
6. <https://encyclopedia.autism.help/persons/hermelin-beata>